

Тошкент шаҳридаги масжидларга янги имом хатиблари тайинланди



15:05 / 12.11.2019 3600

Тошкент шаҳри Учтепа тумани «Саид Вақос ота» жоме масжиди имом-хатиби Фозилжон домла Убайдуллаев Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги «Минор» жоме масжиди имом-хатиби вазифасига ўтказилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг тасарруфидаги жоме масжидларда кўп йиллар хизмат қилган Раҳимберди домла Раҳмонов Тошкент шаҳри Шайхонтахур тумани «Камолон» даҳасидаги «Хўжа Аламбардор» жоме масжиди имом-хатиби вазифасига тайинланди.

Ушбу имом-хатибларнинг иш фаолиятларида Аллоҳ таолодан улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Islom.uz портали таҳририяти